ҲАШАР — ҲАММАГА ЯРАШАР 2-бет

ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ 3-бет

«КАМОЛОТ» — ЁШЛАР ТАЯНЧИ 4-5-бетлар

ОЛИМПИАДА: ДАСТЛАБКИ ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ 7-бет

ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 157 (10.210) / 2004 ЙИЛ 16 АВГУСТ

**Тўйга тўёна билан бориш азалий одатларимиздан бири. Шунинг учун ҳам тобора яқинлашиб келаётган энг азиз ва улуғ Мустақиллик байрамимизни ҳар бир юртдошимиз ёруғ юз билан кутиб олишга бел боғлаган. Айниқса 14-15 август кунлари Республикамиз бўйлаб Умумхалқ ҳашарининг кенг қанот ёйиши, шу юрт фарзанди бўлган каттаю кичикнинг сидқидилдан унда иштирок этиши фикримиз далилидир.**





*Ҳашар — элга ярашар*

13 O'ZBEKISTON MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ

## УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ



Икки кун давомида бутун Республикамиз аҳли қаторида ҳамшаҳарларимиз ҳам юқори кўтаринкилик, ғайрат-шижоат билан Умумхалқ ҳашарида иштирок этдилар. Бутун атроф-теварак, ариқ-зовурлар тозаланди, дарахтларга шакл берилиб оқланди. Меҳр ва мурувват йили давлат дастури ижроси йўлида ўтказилган ушбу ободончилик юмушида Шайхонтоҳур туманидаги «Сузук ота» маҳалласи ва туманда жойлашган 324-мактаб жамоалари ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатдилар.

Эрталаб соат 8 да мактабда бўлганимизда теварак-атрофга сувлар сепилган, супурилган, саранжом-саришталикнинг ўзиёқ ишлар аллақачон бошлаб юборилганини кўрсатиб турарди.

— Ўқитувчи ва ўқувчиларимиз янги ўқув йилига тайёргарликни анча олдин бошлаб юборишган, — дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Салима Шаропова. — Бугун Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олишга бағишлаб ўтказилаётган, азалий қадриятларимиздан бири бўлмиш Умумхалқ ҳашарида 60 дан ортиқ ўқитувчи ва 8-9-синф ўқувчиларимиз бажонидил иштирок этишмоқда. Аввало мактаб ҳудуди ва яқин атрофни тартибга келтирдик. Асатулла Хўжаев номидаги кўча бошдан охиригача ва Самарқанд дарвоза кўчаларини супуриб, чиқиндилардан тозалаб, дарахтларни оқлаб, тоза-покиза ҳолга келтирдик.

Мактабимизда ҳам барча таъмирлаш ишлари тугатилиб, ўқувчиларни қабул қилишга тайёр ҳолга келтирилган. Мақсадимиз энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олишдир.

«Сузук ота» маҳалласининг нуроний, кекса отахонлари ҳам халқимизга хос бағрикенглик, меҳр-оқибат каби эзгу ниятларни кўзлаб ўтказилаётган хайрия ҳашаридан четда қолмадилар. Маҳалланинг 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган барча каттаю кичиги бир ёқадан бош чиқариб ўз ҳудудларини саранжом-сариштa масканга айланишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Давоми 2-бетда.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

• **ЎТГАН** куни Яккасарой туманидаги «Қушбеги» маҳалласида иқтидорли болалар иштирокида уюштирилган деворга расм чизиш кўрик-танлови «Тошкентим — шаҳрим маним» деб номланди. Унда «Бошлиқ», «Дамариқ», Усмон Носир, «Қушбеги» маҳаллалари болалари ўзаро беллашди.

• **МИРОБОД** туманидаги Фурқат номли маҳаллада диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш масалаларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида маҳалла фаоллари, «Маънавият ва маърифат» марказининг Мирробод туман бўлими вакиллари иштирок этишди.

• **ШАЙХОНТОҲУР** туманидаги «Қоратош» ҳамда Шоилҳом Шоюсупов номли маҳаллаларда бўлиб ўтган тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгилаб берилган вазифалар, декабрь ойида икки палатали парламентга бўладиган сайловларга тайёргарлик, терроризмга қарши кураш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

• **ЎТГАН** куни Бектемир туманидаги Олим Аширов маҳалласида маҳалла фаоллари иштирокида ўтказилган ободонлаштириш куни «Маҳаллам ариклари» деб номланди.

• **БОЗОР** кўникмаларини ривожлантириш марказида тадбиркорлар, ишбилармонлар иштирокида бўлиб ўтган семинар мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш масаласига бағишланди.

• **«МАЛИКА»** хусусий салони мижозлари сафини кўпайтириш мақсадида Германия, Туркия давлатлари вакиллари билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Шу боисдан ҳам дизайнерлар хизматидан фойдаланиш бепул амалга оширилмоқда.

• **ТЕМУРИЙЛАР** тарихи Давлат музейида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тарих институти ҳамда россиялик олимлар иштирокида ўтказилган семинар «Марказий Осиё тарихида XX аср: воқеалар, зиддиятлар» деб номланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси иштирокчиларига табрик йўллади.**

**• Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.**

**• Ўзбекистон ҳукумати билан Жанубий Корея Эксимбанки ўртасида «Ўзбекистон Республикасида устувор соҳалар учун кадрлар тайёрлаш бўйича касбий таълимни ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳасининг иккинчи босқичи доирасидаги кредит битими имзоланди.**

**• Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида Марказий Осиё мамлакатлари ёшларининг ёзги халқаро лагери очилди. Унда мамлакатимиз, Марказий Осиё давлатлари, Озарбойжон ва Афғонистондан 200 нафарга яқин ёшлар дам олмоқда.**

**• Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги тантаналари арафасида Қорақалпоғистон пойтахтида хайрли ишга қўл урилди — узунлиги 20 километрлик Кичик Ҳалқа йўли қурилишига киришилди.**

**• Андижонда бу йил 130 минг тоннадан зиёд уруғлик буғдой тайёрланди. Сара уруғлик бошоқли экинлар экиш мавсуми бошлангунга қадар буюртмачилар қўлига бориб тегади.**

### Жаҳонда

**• Россия Грузия ва Жанубий Осетия ўртасида юзага келган зиддиятни тинч йўл билан ҳал этиш ҳаракатида. Шу мақсадда расмий Москва ўз вакилини Тбилисига жўнатди.**

**• АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл Японияга мамлакат конституциясига ўзгартириш киритишни таклиф қилмоқда. Ана шунда Япония БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзосига айланиши мумкин.**

**• Литва ҳукумати собиқ иттифоқ даврида ўз хизмат бурчини бажараётган пайтда жабр кўрган кишиларга товон пули тўлаш тўғрисида қарор чиқарди.**

**• Ҳиндистон мустақиллиги нишонланаётган кунда Ассам штатидаги коллежлардан бирида содир этилган портлаш натижасида 15 киши ҳаётдан кўз юмди.**

**• Франция терма жамоаси етакчиси, футбол бўйича жаҳон ва Европа чемпиони Зинедин Зидан терма жамоа билан хайрлашажагини билдирди.**





Давоми. Боши 1-бетда.

*Ҳашар — элга ярашар*

# УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ

— Эрта саҳардан беминнат ёрдамга бел боғлаган маҳалладошлар янги, замонавий русумда бунёд этилаётган гузар, катта спорт майдончаси ва дўкон қурилишига озми-кўпми ўзларининг улушларини қўшдилар, — дейди маҳалла котиби Абдурашид Абдуллаев. — Маҳалламиз учта: Сузук ота, Чақар ва Чуқур кўприк ҳудудларига бўлинган. Бугун уччала ҳудудда иш олиб борилди. 2000 дан ортиқ дарахт ва гуллар тартибга келтирилди, таглари юмшатилиб, оқланди. Нуроний кексаларимиз: Анвар Хўжаев, Тойир Умархонов, Ҳамидулла Убайдуллаевлар ёшларга бош-қош бўлишди.

Умумхалқ хайрия ҳашарида шаҳримиз ёшлари ҳам фаол қатнашдилар. Ҳар бир ўқув юрти, мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари талаба-ёшлари ўзларига бириктирилган ҳудудларда ободонлаштириш юмушларини бажариб, атроф-теваракни ораста ҳолга келтирдилар, дарахтларга шакл бериб, ариқ-зовурларни тозаладилар.





— «Ҳашар — ҳаммага ярашар» деган нақл бежизга айтилмаган, — дейди «Камолот» ЁИҲ Чилонзор тумани бўлими раиси Феруз Каримов. — Туманимиз камолотчилари ҳам ҳашарда иштирок этиб «Олмазор», «Гулобод», Ғафур Ғулом маҳаллаларида ободонлаштириш юмушларини бажардилар. Тўпланган чиқиндиларни олиб чиқиб ташладик. Бундан ташқари Чилонзор туман ҳокимлиги биноси ёнига жойлашган боғимизда ҳам салмоқли ишларни амалга оширдик. Қуриган дарахт, шох-шаббалар олиб ташланди, супуриб-сидирилиб бутун атроф саранжом-сариштa ҳолга келтирилди. «Камолот» ва «камалак»чилар барча хайрли юмушларни улуғ тўйимизни муносиб кутиб олишга бағишлашди.

Тумандаги барча маҳаллалар қатори «Кичик Дўмбиробод» маҳалласида ҳам ҳашар уюшқоқлик билан ўтказилди. 26 та кўча тартибга келтирилди, 5000 погон-метрдан ортиқ ариқ ва зовурлар тозаланди, 1500га яқин дарахтлар оқланиб, уларга шакл берилди. Айниқса маҳалладаги 232, 188-мактаб ўқувчилари ҳашарда катта жонбозлик кўрсатиб ишлашди.

— Меҳр ва мурувват йили ва азиз байрамимиз арафасида ўтказилаётган ҳашарда ёшу катта иштирок этди, — дейди «Кичик Дўмбиробод» маҳалласи котиби Йўлдош Мансуров. — Кўча бошлиқлари Тўхтамурод Яминов, Шаҳобиддин Фазлиддиновлар барча ишларга бош-қош бўлишди. Кам таъминланган оилаларга ҳам имкон қадар ёрдам кўрсатдик. Жумладан, 13 та хонадонга моддий кўмак берилган бўлса, 2 та оиланинг уйи таъмирланишига ҳисса қўшилди.

Шу куни барча корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда кенг кўламдаги юмушлар амалга оширилди. Гузар ва хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар, ариқ ва зовурлар тозаланди, болалар майдончалари, кўча ва йўлаклар тартибга келтирилиб, тўпланган чиқиндилар олиб чиқиб ташланди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, шу куни ногирон, боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож оилаларга имкон қадар моддий ёрдам кўрсатилди, уй-жойлари таъмирлаб берилди.

Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасидан олинган маълумотларга кўра 14-15 август кунлари бўлиб ўтган Умумхалқ ҳашарида шаҳримизнинг 11 та туманидан 1 миллион 500 минг аҳоли иштирок этди. Уюшқоқлик билан ўтган ҳашарда 854.17 гектар майдон ободонлаштирилди, 99 та қабристон ва зиёратгоҳлар, 418,5 квадрат погонметрдаги ариқ ва зовурлар тозаланди, тўпланган 31467 тонна чиқиндилар 1369 та транспорт воситалари ёрдамида шаҳар ҳудудидан чиқариб ташланди. 260.926 туп дарахтларга шакл берилиб оқланди. Энг эътиборлиси, кўпчиликнинг саъй-ҳаракати билан ёрдамга муҳтож оилаларнинг 809.12 квадрат метр ҳажмидаги уй-жойлари таъмирланиб, 25 миллион 125 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Умумхалқ хайрия ҳашаридан корхона ва ташкилотлар ҳам четда туришгани йўқ. Улар шанба куни юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш йўлида жонбозлик билан меҳнат қилиб, бир кунлик иш ҳақларини «Маҳалла» хайрия жамғармасига ўтказдилар. Ўтказилган маблағларнинг ҳар бир сўми меҳр-оқибат кўрғони бўлган маҳаллаларнинг янада ривож топиши, муҳтожларнинг оғирини енгил қилиш, қўллаб-қувватлаш йўлидаги хайрли ниятларга сарфланади.

«Ҳашар — элга ярашар» нақлига амал қилиб ўтказилган Умумхалқ ҳашарида амалга оширилган барча хайрли ишлар — Мустақиллик байрамига муносиб туҳфа бўлди, албатта.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: 14-15 август кунлари Умумхалқ ҳашари шаҳримиз ҳудудида мана шундай уюшқоқлик билан ўтди.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**





## Оламда нима гап?

### Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● БМТ Суданнинг Дарфур музофотида юзага келган этник можароларни оғир ижтимоий фожиа сифатида баҳоламоқда. Араб давлатлари лигаси ғарб мамлакатлари томонидан Суданга нисбатан қўлланилаётган санкцияга нисбатан ўз эътирозларини билдирди. Араб давлатларида ташқи ишлар вазирларининг Қоҳирада бўлиб ўтган йиғилишидан сўнг бу ҳақда маълум қилинди.

● Исроил ҳукумати бактериологик ва ядровий заҳарланишга қарши қўлланувчи хапдориларни аҳолига тарқатишни режалаштирди. «Haaretz» газетасида ёзилишича, террорчилар томонидан ядровий станцияларни портлатиш ва шу турдаги қуролларни қўллаши мумкинлиги тўғрисидаги маълумотларга асосланиб шундай йўл тутилган.

● Покистоннинг Карачи шаҳрида теракт содир этилди. Хабарларга кўра, шаҳардаги диний мактаб ва полиция маҳкамаси олдида қолдириб кетилган портлатиш мосламаси ҳаракатга келтирилган.

● Аджария телевидениесининг собиқ директори ҳамда мухториятнинг собиқ раҳбари Аслан Абашидзенинг матбуот котиби Тамас Бакуридзе қамоққа олинди. Грузия Ички ишлар вазирлигининг «Интерфакс» ахборот агентлигига маълум қилишича, Бакуридзе бундан икки йил олдин очилган жиноий иш юзасидан ҳибсга олинган. У давлат томонидан телекомпания харажатлари учун ажратилган маблағларни ноқонуний ўзлаштирганликда айбланмоқда.

● Американинг илмий ва ҳарбий мақсадларда сув остида ишлатиладиган Alvin аппарати ўрнига эндиликда такомиллашган янги сув ости кемасидан фойдаланилади. Alvin АҚШ ҳарбий денгиз флоти буюртмасига кўра қурилган бўлиб, денгиз қаърига чўкиб кетган кемаларни ўрганишда ҳамда разведка мақсадларида фойдаланилар эди. Alvin ўрнига ишга тушадиган сув ости кемаси асосан океаншунос олимлар эҳтиёжлари учун яратилмоқда.

● Японияниng «Михама» Атом электр станцияси йўл қўйилган камчиликлар туфайли аварияга учради. Ҳалокат оқибатида беш нафар мутахассис ҳалок бўлди. Кўнгилсиз воқеанинг асосий сабаби станциядаги учинчи реактордан буғнинг сиркиб чиқишидир.

**Озод ШАРАФИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони**

# БУНЧАЛАР КЎРКАМСАН, АЗИЗ ВАТАНИМ!

**(Байрам арафасидаги ўйлар)**

**Улуғ айём кунлари яқинлашиб келмоқда. Ҳар йили Мустақиллик байрамига бир-икки ой қолганида руҳиятимда ажиб бир енгиллик пайдо бўлади, кайфиятим кўтаринкилик билан тўлади. Жонажон, қадрдон, қутлуғ Ватаним учун ифтихор туйғулари тўлиб-тошади. Бундай чоғларда кўча айланаман, болаликдан таниш масканларни, янги кўчалар ва майдонларни, кўприкларни томоша қиламан.**

Баъзан эса болалигимдан таниш бўлган жойларни таниёлмай қоламан. Эски шаҳарда Чиғатой, Сағбон, Хастимом, Қорасарой кўчаларининг бугунги қиёфасини кўраману очиғини айтганда, таниёлмай қоламан. Бўлмаса, менинг болалигим шу кўчаларда ўтган. Мактабимиз Қорасарой кўчасининг бошланишида Тахтапул кўчасида жойлашган эди. Ҳозир мактаб қолганми ёки бузилиб кетганми аниқ билмайман. Мабодо бузилиб кетган бўлса, бунинг учун кўп ҳам қайғурмайман, негаки, ўрнига бошқа муҳташамроқ иморат пайдо бўлади. Бундай ўзгаришлар, янги қурилишлар, янгиланишлар фақат пойтахтимиздагина рўй бераётгани йўқ. Мен Самарқандда ҳам, Наманганда ҳам, Андижонда ҳам, бошқа вилоятларда ҳам кўриб турибман. Худди эртаклардагидек, кеча чўлу биёбон бўлиб ётган жойлардан темирйўллар ўтиб, ҳаммамизнинг оғиримизни енгил қилувчи поездлар елиб- югурмоқда. Айтиш мумкинки, шўролар даврида 70 йилдан ортиқроқ муддат мобайнида юртимизда қурилган иншоотлар шу сўнгги ўн уч йил мобайнида содир бўлган ўзгаришлардан кам. Шундай экан холисона айтганда мустақиллик шарофати билан эришган ва эришаётган ютуқларимиздан фахрлансак ярашмайдими? Яна бунинг устига юқорида айтганларим ҳаётда эришилаётган ютуқларнинг бир қисми холос. Мана бу йил ҳам халқимиз Мустақиллик кунига тайёрланар экан, тўйга тўёна билан деганларидек байрамга муносиб совға билан келмоқда. Мен бу ўринда биринчи навбатда ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновнинг оламшумул ғалабасини кўзда тутяпман. Айни 13 июль куни у шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Рустамжон Ливиянинг пойтахтида Ткачук, Алмаши, Гринчук, Топалов каби жаҳонга танилган, жуда бақувват шахматчиларни енгиб, чемпионлик тожини кийди. Баъзи бир оғзига кучи етмаган, бурнидан нарини кўролмайдиган бахил ва қитмир одамлар «Ҳа, энди бир бўлиб қолди-да! Турнирнинг ўзи унчалик бақувват эмас эди», деганга ўхшаш фисқу фасодларни тарқатишмоқда. Ҳар қандай одам биладики, тасодифий ютуқлар бўлса, бир марта ёки икки марта бўлиши мумкин, ҳолбуки Рустам турнир давомида еттита машҳур шахматчини доғда қолдирди, бундан ташқари у аввалги йилларда ҳам неча маротабалаб ўзининг бақувват шахматчи эканини исбот қилиб берган. **Рустам турнирдан кейинги интервьюсида «Мен бу ютуғимни республикамиз Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлайман»,— деди. Дарҳақиқат, унинг ютуғи том маънода бутун юртимиз учун муносиб совға бўлди. Каттаю кичик одамлар шахмат ўйнаши ва ўйнамаслигидан қатъи назар гўё бу ютуқ уникидек, гўё ўзи жаҳон чемпиони бўлганидек қувониб кетди. Рустамнинг ютуғи — ҳаммамизнинг миллий ғуруримизни янада ошириб юборди.** Ҳар биримизнинг кўнглимиздан, «Ўзбекни ким деб ўйлаяпсан? У фақат пахта экмасдан ёки Новосибирск бозорларида узумфурушлик қилмасдан, у космосга учадиган фазогир ҳам, математика соҳасида америкалик олимларни лол қолдирадиган олим ҳам, иқтидорли, келажакни олдиндан кўрадиган мутафаккир арбоб ҳам, бир сўз билан айтганда, ўзбеклар дунёда ҳеч кимдан кам эмас, ҳеч кимдан тили қисиқ жойи ҳам йўқ». Рустамнинг бу ғалабаси ана шу ҳақиқатни яна бир бор дунёга исбот қилиб берди.

**Юртбошимиз Ислом Каримов Рустам Қосимжоновга йўллаган табрик хатида унинг ғалабаси ўзбек халқининг интеллектуал салоҳиятини яна бир бор бутун дунёга намоён этганини таъкидлади.** Мен шу сўзларни ўқир эканман, бир замонлар юз берган воқеани эсладим. 1951 йил эди. Мен Москвада ўқир эдим. Баъзан чарчаган вақтларимда марказий истироҳат боғига бориб, бир соат, икки соат айланиб ҳордиқ чиқариб келардим. Боғда жуда катта шахмат павильони бор эди. Унга бир вақтнинг ўзида камида беш юз киши сиғар, усти ёпиқ бўлганидан қишин- ёзин бу ердан одам аримасди. Мен ҳам жиндек шахмат ўйнаганим учун кўпинча шу павильон атрофида айланардим. Бир куни дам олгани келсам, павильон яқинидаги тахта ўриндиқларнинг бирида икки киши шахмат ўйнаб ўтирганини кўрдим. Беихтиёр тўхтаб, томоша қила бошладим. Икковлари ҳам анча бўш ўйнар экан. Лекин бири — девдай келадиган совуқ башара бир одам ҳар бир юришда рақибини масхара қилиб, ерга уриб ўзининг «зўрлиги»ни кўрсатиб қўймоқчи бўларди. Ҳақиқатан ҳам ўйинни ютқазаётган иккинчиси унга нима деб жавоб беришини билмас муштумдеккина ғужанак бўлиб олган ва палапартиш юришлар қиларди.

Мен бироз томоша қилгач, чидаб туролмадим, ҳалиги ютаётган шахматчининг юришини танқид қилдим, унда мантиқ йўқлигини айтдим. У ялт этиб менга қаради-ю, хо-холаб кулиб юборди.

— Манавини кўриб қўйинглар, шахматдан мантиқ қидириб юрипти. Менга қара, кимсан ўзинг? Қаердан келиб қолгансан?

— Тошкентдан, — дедим мен.

— Ие, ўзбекмисан? Э, ука-я, ғўр экансан, шахмат қаёқда-ю, ўзбек қаёқда? Бор бозорингдан қолма, қовунингни сотавер.

Унинг бу гаплари жон-жонимдан ўтиб кетди. Унинг жағига ўхшатиб туширишим керак эди. Лекин... Аламимни ва нафратимни бир жумлага жам қилиб сўрадим:

— Бир қўл ўйнаб кўрмаймизми?

— Мен бекорга ўйнамайман, 100 граммга ўйнайман.

Мен ёнимни кавлаштирдим. Бор-йўғи 245 сўм пулим бор эди. Ютқазиб қўйсам уйга пиёда кетишга тўғри келади. Лекин ўйнамаслигим мумкин эмас эди. Ҳақиқатан ҳам бу одам анча билиб ўйнар экан. Кўп ўтмай ютқазди. Унинг юзидан «Аллақаёқдан келган бу осиёлик мени қандай ютди?» деган маънодаги ҳайрат зуҳур этар эди. Афтидан, у ўзига жуда ҳам маҳлиё бўлган, «зўрлигига» астойдил ишонган кўринарди. Бироз ўйлагач, таклиф қилди:

— Қани, орани очиқ қилиш учун ўйнаймиз.

Биринчи ютуқ менга далда берди, кайфиятимни кўтариб берди. Бу гал у аввалгисидан ҳам тезроқ ютқазди. Кейин ёнини кавлай бошлади. Энди «100 грамм»га етадиган пули қолмади, бўшашибгина деди:

— Икки кружко пиводан ўйнаймиз.

Ўйнай бошладик. Унинг аввалги савлатидан нишон ҳам қолмаганди. Ҳар бир юриш устида узоқ-узоқ ўйланар, лекин барибир дурустроқ юришни тополмас эди. Ҳаммадан «аллақандай бир тирмизак ўзбек ютиб кетаверадими» деган алам уни ёмон ўртаб ётгани сезилиб турарди. Кўп ўтмай, у учинчи ўйинни ҳам ютқазди ва бир неча фурсат саросимада, қаттиқ «мушт еган» боксчидай гарансиб ўтирди. Мен унинг аламини кучайтирмаслик учун таъна-дашном бермадим. Унинг ўзи бўлари бўлиб ўтирган эди. Мен кетиш учун аста қўзғалдим. У аранг гап қотди:

— Қаёққа? Ютқазганароғимни олиб берай...

— Мен шахматдан ютқазган одамнингароғини ичмайман.

Шунақа деб орқамга ҳам қарамай, мағрур қадам ташлаб павильондан чиқиб кетдим.

Бу ғалаба менга қай бир даражада тасалли берди, лекин барибир, юрагимда битмас чандиқ қолдиргандек бўлди. Орадан кўп ўтмай Ботвиник билан Смислов ўртасида жаҳон чемпионати учун ўйин бўлди. Учрашувлардан бирига мен ҳам томоша қилиш учун бордим. Ўйин Москванинг энг муҳташам залларидан бирида бўлди. Мен ҳам чиптада кўрсатилган жойга ўтириб, ўйинни мириқиб томоша қилдим. Томоша қилдиму барибир кўнглимнинг бир чеккаси бироз хира эди. Унда алланечук ўксиш бор эди. Нима учун бундай мусобақаларда ўзбеклар қатнаша олмайди? Умуман, ўзбекдан ҳам жаҳон чемпиони чиқармикан? **Мен бугун Худога шукр қиламан — шу орзуимнинг рўёбга чиққанини кўриш насиб этди. Мен бу улуғ айёмни роса 30 йил кутдим.**

Бу йиллар давомида ўзбеклардан яхши шахматчилар етишиб чиқди. Аммо минг афсуски, уларнинг довруғи Оренбургдан нари ўтмас эди. Ҳатто жуда бақувват ўйинчи сифатида чиққан гроссмейстер Георгий Аъзамов ҳам жаҳон чемпиони бўлмади. У кучли эди. Ким билсин, эҳтимол у шахмат тоғининг энг юксак чўққисини забт этишга ҳам қурби етарди. Лекин умри вафо қилмади. Ўн гулидан бир гули очилмай фожеали ҳалок бўлди. Яқиндаги интервьюларидан бирида Рустамдан сўрадилар:

**— Чемпион бўлишингизда ҳал қилувчи роль ўйнаган омиллар нима? — деб савол беришди. «Суянчиғим бор эди. Мени бутун эл-юрт, бутун халқ қўллади. Мен Президентимиз Ислом Каримовнинг мададини ҳамиша сезиб турдим», — деб жавоб берди Рустам.**

**Дарҳақиқат, кўп йиллар мобайнида ўзбек шахматчиларининг жаҳон майдонларига чиқмай келаётганликлари боиси айни мана шунда — ғамхўрликнинг, эътиборнинг йўқлигидан бўлмаганмиди? Ўз ҳолига ташлаб қўйилган шахматчилар ўз ёғига қовурилиб ётавердилар. Уларда истеъдод ва имконият бор эди, аммо у кўзи ёпилиб қолган булоқдек эди. Бу булоқнинг кўз очмоғи учун Ватанимизнинг мустақил бўлиши керак эди.** Менинг ҳамкасб дўстим Саъдулла Ҳаким «Ҳуррият» газетасида эълон қилинган жуда яхши эссесида Гата Камский деган ёш шахматчининг тақдирини эслади. У 80-йилларда чиққан ва жуда кучли ўйини билан ҳаммани лол қолдирган эди. Аммо унинг энг юксак чўққини эгаллаши учун компьютер зарур эди. Гатанинг отаси вилоят партия қўмитасидан ёрдам сўрайди. Шахмат федерациясига мурожаат қилади. Ҳеч жойдан ёруғлик чиқмайди. Охир-оқибатда истеъдодли йигит ҳафсаласи пир бўлади, унинг шахматдаги ютуқлари ўзидан бошқа ҳеч кимга керак эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Шу тарзда у шахмат салтанатини тарк этади. Ҳозир Американинг аллақайси фирмасида ишлаётган эмиш. Ҳақиқатан ҳам ғоятда ачинарли ҳол! Рустамнинг бахти шундаки, унда нафақат бақувват истеъдод, бетакрор хотира бор. Унинг бағрикенг, саховатли, ғамхўр халқи бор. Унинг Президенти Ислом Каримов бор. Рустам Президент номига ёзган мактубида унга ўз отасидек мурожаат қилади. **Чиндан ҳам Ислом Каримов Рустам илк муваффақиятларга эриша бошлаганидан унга ўз фарзандидек эътибор бериб, ҳар қадамда кузатиб, ғамхўрлик қилиб келди. Компьютер керак бўлса, компьютер берди, зарур бўлганда уй-жой билан таъминлади, «Ўзбекистон ифтихори» деган нишон билан тақдирлади ва ниҳоят, унинг жаҳон чемпионлигига эришганини жуда юқори баҳолаб, «Амир Темур» ордени билан мукофотлади.**

Бу ўринда масалага кенгроқ қараш керак. Ислом Каримовнинг Рустамга ғамхўрлиги ҳар қанча муҳим бўлмасин, бу янада каттароқ ғамхўрликнинг бир учқуни холос. Ислом Каримов мустақиллик йилларида спортнинг ҳамма турига доимий ғамхўрлик билан қаради. Мамлакатда эски спорт иншоотлари таъмирланди, юзлаб янгилари қурилди. Кураш, теннис, футбол, енгил атлетика, каратэ каби спорт турлари ривожлана бошлади. Боксдан, курашдан, каратэдан, самбодан жаҳон чемпионлари, олимпиада ғолиблари етишиб чиқа бошлади. Болалар спорти соҳасида махсус қарорлар қабул қилинди. Ёш спортчилар спартакиадалари, универсиадалар ўта бошлади. Хуллас, жуда қисқа муддат ичида айниқса, ёшлар ўртасида оммавий спорт ҳаракати мислсиз даражада кучайиб кетди. Рустамга бўлган эътибор ана шу бутун мамлакат кўламидаги спортга бўлган эътиборнинг бир қисми эди. Президентимиз спортни давлат сиёсати даражасига кўтара олди. Бугун ҳамма вилоятлар ўзининг бу соҳадаги ютуқлари, чемпионлари билан қонуний тарзда фахрланадилар. Бу ҳам мустақил ривожимизнинг зарурий шартларидан бири эди. Аввалги тузумдан кўп соҳаларда бизга оғир мерос қолди. Экология, қишлоқ хўжалигида кимёвий дориларни ўйламай ишлатиш турли-туман касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлди. Натижада кўпгина ёшлар ёш бўла туриб нафақага эҳтиёжманд бўлиб ўтирибдилар. Бундай аҳволни тўғрилашнинг бирдан бир йўли жисмоний тарбия ва спортнинг бутун халқ ўртасида кенг тарқалишига эришишдир. Фаол яшамоқ учун нон, сув ва тоза ҳаво қанчалик зарур бўлса, ҳар бир одам ўзининг жисмоний саломатлиги тўғрисида қайғуриши ҳам шунчалик керакдир. Мустақиллигимиз шарофати билан ана шу ҳақиқат секин-секин онгимизга сингиб бормоқда. Шунинг учун кураш, бокс ёки бошқа бирон турдаги спорт билан шуғулланаётган кичик ёшдаги болаларнинг «ойнаи жаҳон» орқали «Мен чемпион бўламан», деб комил ишонч билан гапирганини кўриб жуда хурсанд бўлиб кетаман ва ниятинг ўзингга йўлдош бўлсин, дея дуо қиламан.

Мана шунга ўхшаган ютуқлар ва ҳаракатлар Ватанимизнинг буюк келажаги тобора яқинлаб келаётганидан далолат беради. Эҳтимол шунинг учундирки Мустақиллик куни яқинлашгани сари фараҳбахш туйғулар вужудимни кўпроқ эгаллаб борар. Албатта, бу мақолани ўқигач кимдир, домласи тушмагур ҳаётнинг қийинчиликларидан бехабарда, шунинг учун бунақа кўтаринки кайфиятларда мақола ёзадилар, деб айтишлари ҳам мумкин. Йўқ, биродарлар, мен турмушдаги қийинчиликлардан жуда яхши хабардорман...

Албатта ҳамма нуқсонларни турли сабабларга боғлаб қўйиб бўлмайди. Кўп ҳолларда ўзимизнинг калтабинлигимиз, оёғимиз тагидан бироз нарини кўра олмаслигимиз, сабр-қаноатимизнинг йўқлиги, нафсимизнинг ёмонлиги шундай йўлларга бошлайдики, у йўлларнинг охири, албатта фожиа, бахтсизлик билан тугайди. Масалан, ёш-ёш йигитларнинг диний экстремизм йўлига киришига нима сабаб? Наҳотки, ўша кимнингдир берадиган арзимас пулига учиб ўз ҳаётини мангу зулматга, бахтсизликка улоқтиришга рози бўлса? Наҳотки, наркотиклар савдосига қўл урадиганлар шу қинғир ишлари орқасида 5-6 йил умргузаронлик қилиш учун етадиган давлат орттириб оламан, кейин бемалол кайфу сафо қилиб юраверaman, деб ҳисобласа. Бунақа хаёлларга халқимизнинг жуда яхши жавоби бор — чучварани хом санаманг! Тўғри, мураккабликлар ва муаммолар бор. Лекин қачон, қайси даврда инсон ҳаётида қийинчиликлар ва енгил кунлар тун билан кун алмашгандай алмашиб туради. Шунинг учун сал қийинчиликка учраган эркакдир, аёлдир тўнини тескари кийиб бутун дунёга зарда қилиш йўлига кириши керак эмас. Шайтонга «ҳайф» бериб, нафсини жиловлаб, озига чидаб, қаноат билан яшамоғи керак.

Мана байрам арафасидаги ўйларда ҳам кемтиклар ва нуқсонлар ҳақидаги гапларни четлаб ўта олмадим. Бунинг боиси шуки, уларни йўқотиш, ҳаётимизни обод ва фаровон қилиш ҳар битта одамнинг зиммасидаги ишдир. **Қўл қовуштириб, осмонга қараб ўтирган билан ҳеч қачон осмондан чалпак тушмайди. Фақат яхши ниятлар қилиш, шу ниятларга интилиш, фаол меҳнат қилишгина инсон ҳаётининг мазмунан тўлиқ бўлишини таъминлайди.**

**Азиз биродарлар! Ўзбекистон деб аталмиш шу гўзал ва ширин юрт ҳаммамизники, у ҳаммамизнинг онамиз, бошимизни силайдиган, зарур бўлганда адашган бошларга бағридан жой бериб тўғри йўлга бошлайдиган энг буюк қудрат! Юртимизнинг гўзалликлари ҳам, қийинчилик ва кемтиклари ҳам ўзимизники. Ҳар тонгда «Шу кунга етказганингга шукр» деган таваллo билан уйқудан кўз очаман. Бир кунни хайрли, самарали ўтказар эканман, уйқуга кетишдан аввал «Мунча ҳам кўркамсан, азиз Ватаним!» деган сўзларни дуодай пичирлайман.**

*Қаҳқаҳа*

## МУҲИДДИН ҚИЗИҚ КУЛДИРАДИ

## АЙТДИМ-А...

Абдурайим ака машинасига хотини, отаси ва онасини ўтказиб кетаётса, назоратчи тўхтатиб қолибди.

— Раҳмат-э, раҳмат-э! — хитоб қилибди назоратчи. — Мана шу ерда эрталабдан буён турибман, беш юзта машина ўтди, бирортаси қоидага риоя қилмади. Ҳақиқат бор экан, биргина сиз қоида бўйича ўтаяпсиз. Сизга ўз номимдан мана шу минг сўм пулни мукофот тариқасида бермоқчиман.

— Яхши бўларди, — дебди Абдурайим ака. — Права олволардик.

— Иё, правасиз ҳайдаб юрибсизми ҳали? — назоратчи сапчиб тушибди.

— Э, бунинг гапига ишонаверманг, — хотини гапга қўшилибди.

— Ичиб олса, ҳуда-беҳуда гапларни гапираверади!

— Вей! — назоратчи ҳайратдан кўзларини катта очибди. — Правасиз ва ичиб олиб машинани бошқараяпсизми?!

— Ман айтдим буларга, — онаси хитоб қилибди. — Ўғирланган машина билан узоққа бориб бўлмайди деб!

Назоратчининг кўзлари ола-кула бўлиб, ўтириб қолибди

# ОЛИМПИАДА МАШЪАЛАСИ ЁҚИЛДИ

ATHENS 2004

**13 август куни Греция пойтахти Афина шаҳрида спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси — XXVIII ёзги Олимпиада ўйинлари бошланди.**

Олимпиада ўйинлари илк маротаба эрамиздан аввалги 776 йилда Олимпия шаҳрида ўтказилган эди. Бу қадимий мусобақанинг замонавий кўринишига барон Пьер де Кубертен асос солган. Ҳозирги шаклдаги Олимпиада ўйинларига ҳам Афина мезбонлик қилган. 1896 йилнинг 6-15 апрель кунлари ўтказилган дастлабки ўйинларда ўн тўртта мамлакатдан 311 нафар спортчи ғолиблик учун куч синашган.

Йиллар ўтиши билан Олимпиада ўйинлари ер куррасининг барча қитъаларидаги мамлакатлар спортчиларини дўстона беллашувлар, мусобақаларга жалб қилди. Гарчи Олимпиада ўйинларининг 1913 йилда Пьер де Кубертен томонидан ишлаб чиқилган белгиси — кўк, қора, қизил, сариқ ва яшил рангли бешта ҳалқа қадимги юнон ашёларидаги тимсоллардан олинган бўлса-да, бугунги кунда у Европа, Африка, Америка, Осиё ҳамда Австралияни бирлаштириб турувчи ришта сифатида талқин қилинади.

Ўртасида бешта ҳалқа тасвирланган Олимпиада ўйинларининг оқ байроғи тинчлик рамзидир. Зеро, Олимпиада ўйинлари чоғида уруш ҳаракатлари, қуролли тўқнашувлар тўхтатилгани сир эмас.

...XXI асрдаги илк Олимпиаданинг тантанали очилиш маросими Афинадаги стадионда ўтказилди.

Одатга кўра, майдонга биринчи бўлиб Греция спортчилари чиқиб келди. Очилиш маросимининг энг қизиқарли қисми бўлган мазкур парадда иштирокчи мамлакатлар спорт делегациялари томошабинлар олқишлари остида майдон бўйлаб саф тортди.

Ниҳоят, Ўзбекистон байроғини баланд тутган халқаро тоифадаги спорт устаси, дзюдо бўйича ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги ғолиби, Осиё чемпиони, жаҳон универсиадаси ва жаҳон чемпионати совриндори Абдулла Тангриев стадионга кириб келди. Унинг ортидан атлас кўйлак, зар дўппи кийган гўзал қизларимиз, бош кийимида юртимиз байроғи акс этган алпқомат йигитларимиз минглаб мухлислар олдидан ўтдилар.

Стадионда 202 мамлакат жамоаси саф тортди.

Олимпиада ўйинлари мадҳияси янграб, Олимпия байроғи кўтарилди.

Олимпиада ўйинларининг асл ватани — Олимпия шаҳрида қуёш нурлари ёрдамида ёндирилган машъала стадионга олиб кирилди. Бу машъалани уч ярим мингдан зиёд спортчи 35 кун давомида дунёнинг 27 мамлакати бўйлаб кўтариб ўтган.

Олимпиада машъаласини елканли қайиқда сузиш бўйича Олимпиада чемпиони, грециялик Николаос Какламанакис ёқди.

Тинчлик рамзи — кабутарлар осмонга учирилди.

Барча олимпиадачилар, расмий кишилар Олимпиада ўйинлари ҳалол ўтказилиши учун қасамёд қабул қилдилар.

Шундай қилиб, XXVIII Олимпиада ўйинлари бошланди. Унда мусобақа тарихида энг кўп - 202 мамлакатдан келган спортчилар спортнинг 37 тури бўйича ғолиблик учун куч синашадилар.

Ўзбекистон шарафини 69 нафар йигит-қизларимиз спортнинг 15 тури бўйича ҳимоя қиладилар.

**ЎзА**

* * *

**Ўтган куни ва кеча Афинада йигирмадан ортиқ спорт турлари бўйича беллашувлар бўлиб ўтди. Уларнинг айримлари ниҳоясига етиб, ғолиб ҳамда совриндорлар аниқланган бўлса, бошқалари бўйича қизғин баҳслар ҳамон давом этмоқда.**

Сузиш — энг қизиқарли ва шиддатли спорт турларидан бири ҳисобланади. Афинадаги сув спорти марказидаги сузиш баҳсларини кузатган ишқибозлар кўплаб ҳаяжонли ва кескин лаҳзалар, сув ҳавзаларида олимпия ва жаҳон рекордлари ўрнатилганлигининг гувоҳи бўлдилар.

Қизиғи шундаки, дастлабки олимпиада қаҳрамони — икки карра чемпион ҳам айнан сузиш беллашувлари давомида «туғилди». Аёллар ўртасида тўрт киши юз метрдан сузиш баҳсида австралиялик Петрия Томас ҳам умумжамоа ҳисобида олтин нишонларни қўлга киритган эди. Петрия 100 метрга баттерфляй усулида сузиш бўйича ҳам барча рақибларини доғда қолдирган ҳолда иккинчи бор чемпионлик шоҳсупасига кўтарилди. Эркаклар ўртасида 100 метрга брасс усулида сузиш баҳсида кунчиқар мамлакат вакили, собиқ олимпиада рекордчиси Косуки Китажимага тенг келадиганлар топилмади.

Сузиш ҳавзаларидаги яна бир қувончли воқеа шундан иборат бўлдики, аёллар ўртасида 400 метрга эркин усулда сузишда 17 ёшли францалик Лаура Манаду энг юқори натижа кўрсатиб, олтин медални қўлга киритди. Шу ўринда 17 ёшда олимпия чемпиони бўлишдек бахт камдан кам кишига насиб этишини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Оғир атлетика бўйича эса ҳозирча улоқ туркиялик спортчиларда. Жумладан, аёллар ўртасида ўтказилган мусобақаларда 48 килограммгача вазнда Нуркан Тайпан иккикураш бўйича 210 килограмм вазнни забт этган ҳолда ҳам олимпия чемпиони бўлди, ҳам иккита жаҳон рекордини ўрнатди.

Эркаклар ўртасида эса туркиялик оғир атлетикачи Халил Мутлу 56 килограммгача вазнда ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олди.

Трамплиндан жуфт бўлиб сакрашда эса аёллар ва эркаклар ўртасида хитойлик спортчилар биринчи ўрин соҳиблари бўлишди.

Олимпиада ўйинларида юртдошларимиз иштирокига тўхталадиган бўлсак, ўқ отиш, дзюдо, сузиш баҳсларида ҳозирчалик қониқарли натижаларга эришганимиз йўқ. 224,4 километрга велопойгада ҳамюртимиз Сергей Лагутин 59-натижа кўрсатди.

Қувонарли томони шундаки, бир пайтлар жаҳон чемпиони бўлган юртимиз фахри Руфат Рисқиев беллашган 75 килограммгача вазнда иқтидорли боксчимиз Шерзод Ҳусанов ўзининг венесуэлалик рақиби Прадо Хуан Карлосни уч марта нокдаунга учратган ҳолда йирик 33:20 ҳисобида енгиб, кейинги босқичга йўлланма олди.

Жаҳон чемпиони Ўткирбек Ҳайдаров ҳам рақибини 21:11 ҳисобида енгган ҳолда турнирни давом эттирмоқда. Яна икки боксчимиз дастлабки беллашувларини муваффақиятли ўтказиб, кейинги босқичга чиқишди.

Шундай қилиб, дастлабки икки кунда кўрсатилган натижаларга кўра умумжамоа ҳисобида тўртта олтин, биттадан кумуш ва бронза нишонларига эса хитойлик спортчилар олдинда бормоқда. Икки олтин, битта кумуш ва учта бронза медалларини қўлга киритган Австралия спортчилари ҳозирча иккинчи ўринни эгаллаб туришибди.

Академик эшкак эшиш, сузиш, оғир атлетика бўйича ўтказилган баҳслар давомида кўплаб олимпия ва жаҳон рекордлари янгиланди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР | ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Чилонзор туман ҳокимияти, туман маданият ишлари бўлими ва Ғафур Ғулом номли маданият ва истироҳат боғи 2004 йил 18 август куни соат 18.00 да бўлиб ўтадиган 6-анъанавий

*«КЕЛИНГ, КУЛИНГ — УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛСИН!»*

деб номланган аския сайлига барча кулгисевар юртдошларимизни таклиф этади.

**Тиббиёт-санитария бирлашмасининг N1 Марказий поликлиникаси қуйидаги хизматларни таклиф этади:**

- Тор доирадаги мутахассисларнинг уйга бориб маслаҳат бериши;
- Уйда ЭКГ ва УЗИ текширувларини ўтказиш;
- Уйда клиник-биокимёвий анализлар олинишини амалга ошириш;
- Физиотерапевтик муолажалар;
- Тез ёрдам. Тел: 061.

**Алоқа учун телефонлар: 136-00-32, 133-19-03.**

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

*газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.*

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

**ХАРИДОРЛАР, ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР, МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАР ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Шу йил 23-27 август кунлари Тошкент шаҳридаги доимий фаолият юритаётган минтақавий кўргазмали савдо ярмаркасида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбек ипаги», «Ўзчармпойабзали» уюшмалари ва бошқа жамият, корхона, хусусий тадбиркорлар корхоналарида ишлаб чиқарилган енгил саноат моллари туркумига кирувчи товарларнинг кузги-қишки турларини сотиш бўйича мавсумий савдо ярмаркаси ўтказилади.

«Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси ушбу ярмаркага мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча енгил саноат товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, савдо ташкилотлари, хусусий тадбиркорлар ва харидорларни таклиф этади.

Ярмарка савдоси *ўтказиладиган манзил:*

*Навоий ва Фурқат кўчалари кесишган чорраҳа («Хадра» майдони)«Халқ истеъмол моллари Тошкент минтақавий ярмаркаси» МЧЖ*

*Ярмаркага марҳамат! Маълумот учун «Ўзбексавдо» акциядорлик компаниясининг телефонлари:*

*139-10-93, 139-13-15, 139-46-97.*

*Футбол*

## «ПАХТАКОР» ФАХРИЙЛАРИ — УЧИНЧИ

**Ҳар йили август ойида фахрийлар ўртасида «Пахтакор-79» жамоаси хотирасига бағишланган турнир уюштириш одатий ҳолга айланган. Жорий йилда ҳам бу анъана давом эттирилди.**

Чимёнда жойлашган болалар оромгоҳи яшил майдонларида фахрийлар жамоалари ўртасида «Пахтакор-79» хотира турнири бўлиб ўтди. Унда иштирок этган 14 жамоа орасида олий, биринчи, иккинчи лига жамоаларида тўп сурган фахрий футболчиларнинг борлиги турнирнинг қизиқарли ўтишини таъминлади. Кескин курашлар остида, ҳаяжонли дақиқаларга бой кечган беллашувлар якунида биринчи ўринни «Ўзбекнефтгаз» компанияси фахрийлари эгаллаган бўлса, «Алгоритм» корхонаси ҳамда «Пахтакор» фахрийлари иккинчи, учинчи ўринлар билан кифояланишди.

Турнир якунида ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари топширилди.

## РАДКЕВИЧ МАЙДОНГА ТУШАРМИКАН?

**Ўзбекистон терма жамоаси гарчи Осиё чемпионатида ярим финал йўлланмасини қўлга кирита олмаган бўлсада, ҳали олдинда 2006 йил Германияда ўтадиган жаҳон чемпионатига саралаш мусобақалари турибди.**

Мухлисларга аёнки, 8 сентябрь куни Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионати саралаш учрашувида Фаластин футболчилари билан куч синашади. Қизиғи, агар мураббийлар синовидан ўта олса шу куни иқтидорли футболчи Владимир Радкевич ҳам майдонда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиши мумкин. Қандай қилиб Қирғизистон ёшлар терма жамоаси таркибида Осиё чемпионати саралаш мусобақаларида иштирок этган Радкевич термамиз сафида тўп суриши мумкин деган савол ечимини топди. Ўзбекистон Футбол федерациясига ФИФА дан бу ҳақдаги ижобий жавоб берилган расмий мактуб келди. Унда Радкевич Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканлиги, эндиликда у терма жамоа учрашувларида иштирок этиши мумкинлиги қайд этилади. Радкевич терма жамоа либосини киядими ёки йўқми, буни вақт кўрсатади.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Тинчлик — энг улуғ неъмат*

# ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

**Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашида 30 июль куни Тошкент шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишни «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши раиси А.Абдуқаҳҳоров кириш сўзи билан очди ва Тошкент шаҳрида рўй берган террористик актлар хусусида ҳамда хушёрликни ошириш юзасидан олдинда турган вазифалар ҳақида фикр юритди. Маърузачи террористик хуружлар ҳақида гапирар экан Ўзбекистон халқининг эртанги кунга бўлган ишончини сўндириш ва асрлар синовидан ўтиб келаётган метин иродасини букишни мақсад қилган разил кучларнинг қилмишлари мамлакатимиз миқёсида кенг жамоатчилик томонидан қатъий қораланаётганлигини ва уларнинг ўйлаган мақсадлари амалга ошмаслигини таъкидлади. Марказий Кенгаш раиси тизимда ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар белгиланиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, ушбу ҳолат бепарволикка сабаб бўлмаслиги лозимлиги тўғрисида сўз юритди ва тегишли соҳаларнинг масъул ходимларига бинолар, иншоотлар хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш мақсадида иш жойларида сергаклик, огоҳлик ва хушёрликни янада кучайтириш юзасидан аниқ вазифалар топширди.

Ўз сўзини давом эттириб, элу юртимизнинг тинчлигини бузиб, одамлар юрагига ғулғула, эзгу ният билан ишларимизга раҳна солмоқчи бўлган ғаламисларнинг қилмишлари бутун дунё аҳли томонидан кескин қораланаётганлиги, Ўзбекистон халқининг эртанги кунга бўлган ишончини ва метин иродасини букишни мақсад қилган разил кучларнинг кора қилмишлари барчамизнинг огоҳ, хушёр ва доимо сезгир бўлишга ундаши, Тинчлик — энг улуғ неъмат эканлиги, уни асраб-авайлаш эса фақат ҳуқуқ-тартибот, идораларинингина эмас, шу заминда яшаб, меҳнат қилиб келаётган барча инсонларнинг муқаддас бурчи эканлиги ҳақида, шунингдек, келажак сари дадил интилаётган халқимизни ўз мақсад ва интилишидан ҳеч бир куч тўхтатиб қололмаслиги ҳақида фикр билдирар экан — Ватанимиз мустақиллигини асраб-авайлаш, буюк мақсадларимизни рўёбга чиқариш йўлида доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшаш, фуқаролик бурчига садоқат каби умуммиллий манфаатлар атрофида жипслашишга даъват этди.

Нотиқ сўзининг сўнгида йиғилганларни Ватанимиз мустақиллигини, озодлигимизни асраб-авайлаш йўлида жамоатчилик ва ҳар бир фуқаро томонидан илиқ кутиб олинган Юртбошимизнинг «Ўз уйингни, ўз юртингни ўзинг асра» деган даъватига амал қилиб яшашга, доимо сезгир, хушёр ва огоҳ бўлишга, Президентимиз ва ҳукуматимиз атрофида қатъий жиплашишга чақирди.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Қилмиш — қидирмиш*

## «...ПУЛИНГИЗ ЕТМАЙДИ...»

Тонг отар-отмас Камола (исмлари ўзгартирилган) Нигоранинг хонадони томон шошилди. Нигора қўшнисининг эрта саҳарлаб қандай иш билан чиққанига тушуна олмай кўзларини ишқади. Қўшни аёл бўлмиш Камоланинг кўзларида қувонч, қўлида эса қандайдир пакет.

— Биласизми, — гап бошлади у, — анчадан бери тежаб-тергаб юрган пулларимга ўзимга ёққан чарм плашни сотиб олдим, — деди-да, қўлидаги пакетдан плашни олиб кўрсатди. Нигора эса хайрон:

— Вой, қўшнижон, ахир ёз келаётган бўлса, буни нима қиласиз? Лекин менга жуда ёқди, ҳа айтганча, неча пулга олдим дедингиз?

— Ўргилай, бирам пишиқ эмассиз-да, ўзининг нархидан арзонроққа олдим-да, бу нарса ачиб қолмаса, қишнинг ғамини ёзда е деган гап бор. Пулини бўлса сўраманг, барибир бунақасини сотиб ололмайсиз.

— Ҳа, — деди Нигора бармоғини тишлаб.

Бир пайт ётоқхонадан Нигоранинг турмуш ўртоғи Нодир енгилгина йўталиб чиқиб келди:

— Бугун якшанба бўлса, бир оз ухлашга ҳам бермайсизлар-а?

Камола хижолат тортиб плашини олди-да, «кейин гаплашармиз», деб чиқиб кетди. Қўшнисининг бундай ҳаракатидан таажжубланган Нодир хотинига қаради. Нигора бор гапни эрига айтди.

— Демак, плашни ўзининг нархидан ҳам қимматроққа сотса бўлар экан-да?! — деб ғудранди Нодир.

Аёл унинг гапини тушунмай, эрини уйқусираётганликда айблаб, ошхона томон кетди. Нодир чойини апил-тапил ичиб, уйдан шошилиб чиқиб кетди. «Вой, бечора, пул топаман деб дам ҳам олмайдилар-да», ичида ўйлади Нигора. Икки соат ўтар-ўтмас Камола кўзларида ёш билан қўшнисининг уйига югуриб чиқди. Унинг юзида эрталабки қувончдан асар ҳам қолмаганди.

— Нима бўлди?

— Плашимни даҳлизга қўйгандим, бир маҳал қарасам йўқ...

Нигора нима учун эри эрталаб вақтли кетганининг сабабини тушуниб етди ва:

— Ҳеч ҳам хавотир олманг, плашингизни ўзим топиб бераман, — деди қатъият билан. Камола эса аллақачон «02»га қўнғироқ қилиб улгурганди.

## БОЛА КЎЧА КЕЗАР, ОНАСИ БАҒРИН ЭЗАР

Санобар бугун ўқишга ўзгача бўлиб боргиси келди ва туғилган кунига совға қилинган тилла занжирини нозиккина бўйнига тақиб олди.

Буни кўрган Санобарнинг отаси:

— Қизим, эҳтиёт бўл, яна бўйнингдагини узиб кетишмасин, — деб кулди. Онаси эса:

— Адажониси, қизингизни бу даражада эркалаб нима қиласиз, айтинг занжирни ечиб кетсин. Ҳозир одамларнинг қанақалигини билиб бўладими? — деди.

— Қуёвер, — деди дадажониси, — ахир битта-ю битта қизим бўлса, менинг давримда мазза қилиб юрсин-да. Санобар отасининг гапидан баттар ялтоқланиб уйдан чиқиб кетди. Онаси эса «ишқилиб соғ-саломат бўлсин, кўз тегмасинда», деб қўйди ичида.

Санобар ўқишга жуда эрта кетарди, чунки институт уларнинг уйидан жуда узоқда, отаси машинада олиб бориб қўяман деса ҳеч кўнмасди. Қиз кўчага чиқди ҳамки, туманни кўриб этлари жунжикиб кетди. Атроф жим-жит, фақатгина у ер-бу ердан итларнинг хуриганн эшитилиб турарди. Санобар шу пайт ўзининг оёқ товушларидан бошқа бегонанинг оёқ товушларини эшитди, бу товуш унга тобора яқинлашиб келаётганди. Қизни қўрқув бутунлай қамраб олди. Нега энди онасининг айтганини қила қолмади а? Санобар ўзини койий бошлади. Бир маҳал орқадан кимдир қизнинг бўйнига ёпишди ва тилла занжирини юлиб кетди. Санобар эрка бўлса ҳам анчагина тадбиркор қиз эди. Шартта сумкасидан уяли телефонини чиқариб «02»га қўнғироқ қилди. Милиция ходимлари тезда жиноятчининг изига тушишди ва Санобарга занжирини қайтаришди. Қиз бўлган воқеа ҳақида уйдагиларга ҳеч нарса демади, фақатгина «уни» жойига қўйиб қўйди.

**Феруза УМРЗОҚОВА,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази жамоатчи мухбири**

*Шифобахш ўсимликлар*

## РАЙҲОН

Уни куйганга қўйиб боғланади. Бош оғриғига жуда фойдалидир. У миядаги тиқилмаларни очади.

Унинг қовурилган уруғини гул ёғи ва совуқ сув билан аралаштириб чўзилма ич кетишда ичирилади.

## КАШНИЧ

Ширасини сут билан қўшилса, ҳар қандай лўқиллашни тўхтатади. Майиз ва асал билан эшакемга қарши ишлатилади.

Сафро ё балғам буғидан пайдо бўлган бош айланиши ва тутқаноққа фойда қилади. Ҳўли ухлатади ва бурун қонашини тўхтатади. Сиқиб олинган суви, айниқса она сути билан қўшиб томизилса, қулоқнинг лўқиллашини тўхтатади. Ҳўлини ва қуруғини кўп ишлатаверииш зеҳнни бузади.

## ҚЎЗИҚУЛОҚ

Илдизлари сирка билан бирга тирноқларнинг пўст ташлашига қарши ишлатилади. Шираси билан тиш оғриғига оғиз чайилади.

Кўнгил айнишини босади. Кўнгил лой тусашига қарши ейилади. Қўзиқулоқ ва унинг уруғи, хусусан, каттасининг уруғи ични тўхтатади. У буйрак тошини ҳам майдалайди. Ундаги ёпишқоқлик ич қотишидан бўлак ичак тирналишига фойда қилади. Қўзиқулоқнинг уруғини сув билан ютилса, ичак яраларида, чўзма ичкетишда фойда қилади.


“ИШЛАБ ТОП!”

**Жаноб тадбиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!**

Биз навқирон, иқтидорли, ғайратга тўла ёшлармиз. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва кўмагингиз етишмаяпти. Ғайрат ва тажрибани бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг қисқа йўл.



TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI
KAMOLOT



Тошкент шаҳар "КАМОЛОТ"и тадбиркорларга "Ишлаб топ" ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишни таклиф қилади.
Қўшимча маълумотларни

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин.
Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz
Www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тадбиркорларга "Тасвир" нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.





Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2764 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-909. 1 2 3 4 6